



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 980

2019 йил «14» ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИНИНГ ШАКЛИНИ ВА МАТНИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 31 ва 32 -моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир сайлов бюллетени шакли 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Марказий сайлов комиссияси томонидан Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафаретларга мос келишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиясига сайлов бюллетенларининг шаклини 2-иловага мувофиқ А-4 (297x208 мм) ҳажмидаги, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига 3-иловага мувофиқ А-5 (148x210 мм) ҳажмидаги ўлчамда тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет 4-иловага мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутати сайловига доир Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет 5-иловага мувофиқ, Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутати сайловига доир Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенининг қалинлиги 80 гр/м²,

оппоқлиги камида 85 фоиз бўлган, аъло сифатли матбаа офсет қоғозида, А-4, 297x208мм ўлчамда босилади;

б) сайлов бюллетени шаклининг матни сайлов бюллетенининг фақат бир томонига бир хил (қора) рангда жойлаштирилади, бунда қуйидагилар тўқ қора ҳарфларда ажратиб кўрсатилади:

- сайлов бюллетенининг номланиши;
- сайлов округининг номи;
- сайлов ўтказиш санаси;
- депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиянинг номи;
- сайлов бюллетенининг пастки қисмида катта ҳарфлар билан

жойлаштирилган уларни тўлдириш тартиби бўйича тушунтириш;

в) ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизик билан ажратилган бўлиши керак;

г) матбаа ташкилоти сайлов бюллетенларининг яроқли ёки яроқсизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенларини олиш ваколатига эга бўлган, уларни тайёрлаш учун буюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек топширилаётган сайлов бюллетенларининг сони кўрсатилади. Буюртмага мувофиқ миқдордаги сайлов бюллетенлари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари яроқсиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенларини дарҳол йўқ қиладилар ва бу ҳақда далолатнома тузадилар, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

5. Сайлов бюллетенини тайёрлашда унда қуйидаги мазмундаги тушунтиришлар бўлиши инобатга олинсин:

“Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «х» белгисини қўйинг.

Овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга “+” ёки “✓” ёхуд “х” белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белгилар қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади”.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир сайлов бюллетени матни Марказий сайлов комиссиясининг Номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорига асосан алифбо тартибида жойлаштирилган ҳолда тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

- сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда сайлов бюллетенларини чоп этилишини зарурий эҳтиёжни аниқласинлар;

- сайловга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ сайлов бюллетенларини чоп этилиши лозим бўлган миқдорини белгиласинлар;

- сайлов округи чегараларида истиқомат қилаётган аҳолининг миллий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда сайлов бюллетенларини тегишли тиллар бўйича тақсимласинлар;

- 2019 йил 9 декабрга қадар участка сайлов комиссияларига сайлов участкасидаги сайловчилар умумий сонининг 5 фоизи миқдорида, 2019 йил 19 декабрга қадар 95,5 фоизи миқдорида сайлов бюллетенларини етказиб берсинлар.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ:

- сайлов бюллетенида ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш катакчалар жойлаштирилади;

- участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан ортиқроқ бўлиши мумкин эмас;

- сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

- овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида муддатидан олдин овоз бериш сайлов бюллетенлари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади;


- овоз бериш тугагач фойдаланилмаган ва бузиб қўйилган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва юқори чап бурчагини кесиш ёки сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйиш йўли билан бекор қилинади.

9. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Раис

М.Абдусаломов



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

шрифт ўлчами – 18 pt
шрифт номи – Merriweather Regular
шрифт интервали – 21,6 pt
шрифтлар жойлашуви тартиби – ўртага

9-Андижон сайлов округи
2019 йил 22 декабрь

шрифт ўлчами – 12 pt
шрифт номи – Merriweather Regular

■ – чизикда ишлатилган ранглар СМУК 100, 0, 100, 0
■ – фонда ишлатилган ранглар СМУК 100, 0, 100, 0 + 10% шаффофлик
■ – ёзувда ишлатилган ранглар СМУК 0, 0, 0, 100

Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгалаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи

шрифт ўлчами – 10 pt
шрифт номи – Merriweather Regular

Гербини нақш | ўлчами – 83 мм
Чизиқли нақш | қалинлиги – 0,09 мм

Активация Window
Чтобы активировать Win
компьютера.

**Халқ депутатлари вилоят кенгаши
депутати сайловига доир
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

9-Андижон сайлов округи

2019 йил 22 декабрь

№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (мангулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи	Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «х» белгисини қўйинг.
1	КАРИМОВ Дилмурод Рахимжонович, 1983 йилда туғилган Андижон вилояти ҳўжалик судининг судьяси Ўзбекистон Халқ демократик партияси	<input type="checkbox"/>
2	КАРИМОВ Тулкинжон Пайзиевич, 1968 йилда туғилган Андижон машинасозлик институти проректори Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>
3	РАМАЗАНОВА Замира Абдулазизовна, 1965 йилда туғилган Андижон шаҳридаги 16 – умумий ўрта таълим мактаби директори Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	<input type="checkbox"/>
4	ШАЮСПОВА Наргиза Турсуновна, 1969 йилда туғилган Тошкент давлат иқтисодийёт университети «Меҳнат ва ижтимоий соҳа иқтисодийёт» кафедраси мудири Ўзбекистон Экологик партияси	<input type="checkbox"/>
5	ЮСПОВА Наргизахон Оматжановна, 1979 йилда туғилган Андижон шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази директори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	<input type="checkbox"/>

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «х» белгисини қўйинг. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «√» ёхуд «х» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши
депутати сайловига доир
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ


шрифт ўлчами – 18 pt
шрифт номи – Merriweather Regular
шрифт интервали – 21,6 pt
шрифтлар жойлашув тартиби – ўртага

9-Андижон сайлов округи
2019 йил 22 декабрь

шрифт ўлчами – 12 pt
шрифт номи – Merriweather Regular

Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (мангулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи

шрифт ўлчами – 10 pt
шрифт номи – Merriweather Regular



Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши
депутати сайловига доир
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

размер шрифта – 12 pt
наименование шрифта – Merriweather Regular
интерлиняж шрифта – 15,6 pt
выключка шрифта – по центру

9-Андижон сайлов округи
2019 йил 22 декабрь


размер шрифта – 6 pt
наименование шрифта –
Merriweather Regular

Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия номи

размер шрифта – 5 pt
наименование шрифта – Merriweather Regular

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

(юқоридаги ёзув брайль алифбосида ҳам ёзилади)



Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «х» белгисини қўйинг. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «√» ёхуд «х» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади.
(юқоридаги ёзув фақат брайль алифбосида ёзилади)

Активация Windows
Чтобы активировать Wind
компьютера.

